

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**72 Республикада банк пластик карточкалари асосида
нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлан-
тириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, пластик карточкаларга, терминалларга ва тегишли ускуналарга бўлган талаб-эҳтиёжларни қондириш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган божхона имтиёзларининг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарори 4-бандининг учинчи хатбошида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши чакана тўлов тизимларининг процессинг марказларига жорий этилсин.

3. Банк микропроцессор пластик карточкалари, тўлов терминаллари ишлаб чиқарувчилар, чакана тўлов тизимларининг процессинг марказлари олиб кирилаётган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллардан, дастурий таъминот воситаларидан ҳамда пластик карточкалар, терминаллар, банкоматлар, инфокиоскалар ва бошқа ускуналар ишлаб чиқариш учун лицензиялардан самарали ва қатъиян мақсадли фойдаланишни ҳамда ана шулар воситасида ҳисоб-китоблар амалга оширилишини таъминласин, келгусида уларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда олиб кирилаётган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот воситалари ва лицензиялардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

Белгилаб қўйилсинки, имтиёзлар қўлланилган ҳолда олиб кирилаётган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот воситалари ва лицензиялардан мақсадга ҳилоф тарзда фойдаланилган тақдирда, божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан божхона тўловларининг тўланмай қолган суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкцияларни қўлланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириб олинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари Ўзбекистон Банклари уюшмаси билан биргаликда:

истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш учун пластик карточкалардан фойдаланиш асосида турли хил кредит маҳсулотлари жорий этилишини;

пластик карточкалардан фойдаланувчиларнинг уларни ишлатишдан манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган турли хил бонус, дисконт ва рағбатлантирувчи дастурларни савдо-сервис ташкилотлари билан биргаликда татбиқ этиш амалиёти кенгайтирилишини;

самарали, замонавий ва қулай тўлов воситаси сифатида пластик карточкалардан фойдаланиш афзалликларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга йўналтирилган ташкилий тадбирлар тизимли асосда ўтказилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 2 февраль,
ПҚ–2751-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 2 февралдаги
ПҚ–2751-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПҚ–433-сонли қарорининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминаллари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар 2020 йилнинг 1 январига бача банк микропроцессор пластик карточкалари, тўлов терминаллари, банк-коматлар, инфокиоскалар ва пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар импорт қилинганида божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади».

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

6 (766)-сон

— 155 —

72-73-моддалар

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344-сонли қарори 4-бандидаги учинчи хатбошида «банклари» сўзидан кейин «ва чакана тўлов тизимларининг процессинг марказлари» сўзлари билан тўлдирилсин.